

## **26 Шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш ва олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада ошириш, тиббиёт ташкилотларини чуқур назарий билим ва амалий кўникмаларга эга юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, шунингдек республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари билан боғлиқ ҳолда йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича муайян мутахассисларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб, олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини тизимли асосда белгилаш ишларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизимини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббиёт ташкилотлари шифокорларини эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан мунтазам аттестациядан ўтказиш тизимини шакллантириш;

аҳоли, айниқса, қишлоқ аҳолисининг малакали тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантирадиган шарт-шароитлар яратиш, шифокорларни ихтисослашув йўналишлари бўйича узлуксиз профессионал ривожлантириш жараёнини жорий қилиш имконини берадиган муҳитни яратиш;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимининг йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича реал эҳтиёжига мувофиқ олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилаш тартибини янада такомиллаштириш.

## 2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббиёт ташкилотлари шифокорларини эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан мунтазам аттестациядан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Олий тиббиёт муассасаларига қабул квотасини белгилаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

## 3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббиёт ташкилотларида фаолият юритаётган шифокорларни эгаллаб турган лавозимига мувофиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказиш (кейинги ўринларда шифокорларни аттестациядан ўтказиш деб аталади) мажбурий бўлиб, беш йилда бир марта ўтказилади;

шифокорлар аттестациядан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этиладиган шифокорларни мунтазам аттестациядан ўтказиш бўйича аттестация комиссиялари (кейинги ўринда аттестация комиссияси деб аталади) томонидан ўтказилади;

тегишли мутахассислик бўйича белгиланган тартибда берилган, амалдаги малака тоифасига эга бўлган шифокорлар аттестациядан ўтказилмайди.

4. Қуйидагилар аттестация комиссияларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шифокорларни шифокорлик мутахассисликларининг тегишли йўналишлари бўйича мунтазам аттестациядан ўтказиш, шу жумладан уларнинг профессионал тайёргарлиги ва малакасини баҳолаш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизими тиббиёт ташкилотларининг кадрлар таркибини тегишли йўналишлар бўйича мутахассислар билан мустахкамлашга доир таклифлар киритиш;

шифокорларнинг тегишли йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича малакаси ва профессионал даражасини мунтазам ошириш тизимини яратишга оид таклифлар ишлаб чиқиш.

5. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрларини шакллантириш механизмини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 23 июндаги ПҚ–2360-сон қарорига мувофиқ йўналишлар, мутахассисликлар бўйича олий тиббий маълумотга эга кадрларга бўлган эҳтиёж олий тиббиёт таълим муассасаларига йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича қабул қилишнинг кейинчалик битирувчиларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ ҳолдаги баланс ҳисоб-китобларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

## 6. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда тиббиёт кадрлари билан таъминланганлик ва истиқболда уларга

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

бўлган реал эҳтиёжни ҳар йили баҳолаш асосида олий тиббиёт таълим муассасаларига бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қабул квоталарини белгилашга доир таклифлар ишлаб чиқишлигини;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда аниқ йўналишлар бўйича мутахассисларга бўлган реал эҳтиёждан келиб чиқиб, олий тиббиёт таълим муассасаларига қабул квоталарини белгилашга доир таклифларни ўз вақтида шакллантириш чора-тадбирлари амалга оширилишини таъминласин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.И. Икромов ва Б.Ю. Ходиев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 21 январь,  
14-сон